O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
2 NOYABR
SHANBA
№ 135 (26.994)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

Ислом КАРИМОВ:

Бу гўзал шаҳар бугун мана шу заминнинг умрбоқий қадриятларини, Ўзбекистон деб аталмиш юртимизнинг нақадар қадимий ва муқаддаслигини бутун жаҳонга намоён этмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун қадимий Кеш воҳасида катта байрам, катта тантана.

Оллоҳ назари тушган Ватанимиз тарихининг энг кўҳна ва теран илдизларидан бири бўлган қадимий ва доимо навқирон Шаҳрисабз бугун ўзининг 2700 йиллик қутлуғ тўйини нишонламоқда. Дунёга ўзининг кўрку камоли, қадди-бастини намоён қилмоқда.

Бу гўзал шаҳар бугун мана шу заминнинг умрбоқий қадриятларини, Ўзбекистон деб аталмиш юртимизнинг нақадар қадимий ва муқаддаслигини бутун жаҳонга намоён этмоқда.

Қадрли дўстлар!

Шаҳрисабз деганда биз, аввало олис замонларда аждодларимиз яшаган, тарихда гоҳ Гава Сўғда, гоҳ Наутака, гоҳ Кеш деб ном олган қадимий маконни тасаввур қиламиз.

Бу шаҳар ўзининг узоқ ўтмиши давомида не-не кунларни кўрмади. Тарих тўфонлари, босқинлар оқибатида неча бор вайронага айланиб, култепалар устида неча бор қайта тикланди.

Аммо на замоннинг мураккаб синовлари, на истило-ю урушлар, на табиий офатлар бу шаҳарни тарих саҳифасидан ўчира олмади.

Шу табаррук заминда дунёга келиб, унинг тарбиясини олиб вояга етган, доимо мағрур бўлиб яшаган инсонлар минг йиллар давомида мардлик ва бунёдкорлик намуналарини дунёга намоён этиб келди.

Шаҳрисабз деганда, даставвал хаёлимизда ўзининг ақл-заковати, беқиёс салоҳияти билан жаҳонни ҳайратга солган Амир Темур бобомизнинг ўлмас сиймоси жонланади.

Шаҳрисабз бу улуғ зотнинг бешигини тебратган, уни камолга етказган мўътабар маскандир. Бобокалонимизнинг эл-улусни бирлаштириш, она диёримизни босқинчилардан озод қилишида, жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк ва қудратли давлат қуришида айнан шу замин унга кучқувват ва мадад берган.

Амир Темур бобомиз Шаҳрисабз ва Кеш воҳасини жони дилидан севган, қадрлаган, ҳатто ўз салтанатининг пойтахти қилмоқчи бўлган. Бу ерда қанчадан-қанча гўзал ва бетакрор иншоотларни барпо этиб, шаҳарни қайта қуриб, бутун дунёга танитган, унинг ривожига чексиз ҳисса қўшган.

Соҳибқироннинг: «Кимки бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлса, биз қурган иморатларни келиб кўрсин», деган сўзлари бугун ҳам ўз маъно-мазмунини йўқотган эмас.



Шаҳрисабз деганда тасаввуримизда аввало мангу яшил шаҳар, юлдузларга тўла беғубор осмон, юксак Ҳисор тоғлари намоён бўлади.

Ва, табиийки, Шаҳрисабз деганда, биз «Илму адаб қуббаси», деб эътироф этилган илм-фан, маданият ва нафосат масканини англаймиз. Бу шаҳар қадим-қадимдан ўзининг қўли гул усталари, моҳир ҳунармандлари билан шуҳрат қозонган.

Мана шу заминда қад кўтарган, етти иқлимга маълум ва машҳур Оқсарой, Дорус-саодат, Дорут-тиловат, Кўкгумбаз каби муҳташам обидалар ва бошқа бетакрор меъморий ёдгорликлар, шу тупроқдан топилган ноёб осори-атиқалар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди.

Шу муборак юрт фарзандлари бўлган Абу Муҳаммад Кеший, Шамсиддин Кулол ва Ҳазрати Башир каби азиз-авлиёлар, Фироқий ва Хиромий, Равнақий ва Фақирий сингари шоиру алломалар Шаҳрисабз довруғини дунёга таратган.

Жаҳон маданияти хазинасига беқиёс ҳисса қўшган Хусрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби мумтоз сиймоларнинг насл-насаби Шаҳрисабз заминидан чиққани ҳам бу тупроқнинг илоҳий хосиятидан далолат беради.

Шу ўринда, азиз дўстларим, сизларнинг эътиборингизни сирли бир аломатга қаратмоқчиман.

Жаҳонгир Мирзо мақбараси ёнида бугун ҳам яшнаб турган қадимий чинорларни кўпчилигимиз кўрганмиз. Мен ҳар гал бу ерда бўлганимда, бундай дарахтлар фақат муқаддас жойларда ўсади, деган фикр беихтиёр кўнглимдан ўтади. Балки бу чинорларнинг ниҳолини бир пайтлар Амир Темур бобомиз ўз қўли билан эккан бўлса, ажаб эмас, деб ўйлайман.

Ва Шаҳрисабзнинг муқаддас тимсоллари бўлмиш бу азамат дарахтларни илоҳий бир куч асраб, бугунги ва келажак авлодларга етказиб келаётгандек туюлади.

Азиз дўстлар!

Бугун Шаҳрисабз файзу таровати билан кўзларни қамаштириб, жаҳон эътиборини ўзига қаратиб турибди. У жаҳон цивилизациясининг энг қадимий шаҳарларидан бири сифатида нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган ва Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Ҳеч шубҳасиз, Шаҳрисабз ва Қашқадарё воҳасининг нақадар катта тарихий ва маданий меросга эга эканлиги, унинг бетакрор ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида гапиришимиз бугун албатта ўринлидир.

Бугун бу ҳақиқатни нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё тан олмоқда.

Лекин мендан бу юртнинг энг ҳақиқий бойлиги ҳақида сўраса, ҳеч иккиланмасдан, Яратганнинг назари тушган бу юртнинг асосий бойлиги мана шу заминда яшаётган бағрикенг, мард ва ориятли, кўп-кўп қийинчилик ва синовларда тобланган, яхшиликни ҳеч қачон унутмайдиган Қашқадарё эли ва халқи, деб жавоб берган бўлур эдим.

Мен сиз, қашқадарёлик қадрдонларим билан елкама-елка, ҳамфикр бўлиб меҳнат қилган, ҳаётимнинг азиз дамларига айланган кунларимни ҳеч қачон унутмайман. Ўша мураккаб даврда сизлар менга билдирган ҳурмат ва ишончни, таъбир жоиз бўлса, менга қанот берганингизни умрбод миннатдорлик билан эслайман.

Қадрли ватандошлар!

Бизнинг истиқлол йилларида Шаҳрисабз марказида соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг муаззам ҳайкалини тиклаганимиз, бу муборак заминда ётган буюк зотларнинг мақбараларини обод қилиб, аждодларимиз руҳи олдидаги фарзандлик бурчини адо этганимиз янги тарихимиздаги катта, унутилмас воқеадир.

Бу юртнинг чиройига чирой, салоҳиятига яна салоҳият қўшадиган ибратли ишларни давом эттиришимизга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ва Шаҳрисабз нафақат деҳқончилик, саноат, ҳунармандчилик ва маданият масканига, балки бутун дунёдан зиёратчи ва сайёҳлар оқиб келадиган гўзал ва замонавий шаҳарга айланиши муқаррар.

Бу йил Шаҳрисабз, бутун Қашқадарё аҳлининг барча соҳаларда омади келди. Мен фурсатдан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги учун табиий шароит оғир бўлган мана шу мавсумда белни маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилган, мамлакатимизда энг кўп — 684 минг тоннадан зиёд ғалла, 420 минг тоннадан ортиқ пахта ҳосили етиштирган азамат деҳқонларни, сиз, лафзи ҳалол қашқадарёликларни қўлга киритган улкан ғалабангиз билан чин қалбимдан табриклайман ва ўзимнинг чексиз ҳурматимни билдираман.

Ҳурматли дўстлар!

Мана шу унутилмас, қувончли кунда менинг суянчим, таянчим бўлган сиз, Қашқадарё ёшларига, сизнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон ёшларига бир даъват билан мурожаат қилмоқчиман.

Аслида бу менинг даъватим эмас, балки улуғ аждодларимизнинг бизга қолдирган ўлмас маънавий ўгитларидир. Мен шу даъватни сизларга яна бир марта эслатмоқчиман.

Ғурур-ифтихоримиз тимсоли бўлмиш Амир Темур бобомизнинг худди шу заминда туриб, келгуси наслларга қарата айтган «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз?» деган сўзлари ҳеч қачон ёдингиздан чиқмасин.

Токи юрагингизда ўт, билагингизда куч-қудрат бор экан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаб бораётган бугунги кунда ана шу даъватга ҳамиша муносиб бўлинг.

Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деб кўтарган истиқлол байроғини, ҳуррият байроғини сизлар янада баланд кўтарасиз, деб ишонаман.

Азиз ватандошларим!

Мен ушбу ҳаяжонли лаҳзаларда Шаҳрисабз элини, бутун халқимизни бугунги шодиёна билан яна бир бор қутлар эканман, сизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, мана шундай ёруғ кунларимиз кўп бўлсин, Қашқа воҳасининг зумрад гавҳари — Шаҳрисабз дунё турганча турсин, дейман.

Икки минг етти юз йиллик тарихни ўз елкасида кўтариб турган бу афсонавий шаҳар қошида бош эгиб, унинг шуҳратини дунёга тараннум этаётган сиз, азиз юртдошларимга таъзим қиламан.

Мен ноёб асрий обидаларимизни кўз қорачиғидек сақлаб келаётган, кенг кўламдаги таъмирлаш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган, янги-янги иншоотлар барпо этаётган моҳир қурувчи ва усталаримиз, муҳандис ва меъморларимизга, мана шу савобли ишларга муносиб ҳисса қўшаётган барча инсонларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Бугунги шодиёнамизда иштирок этаётган ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ва хорижий элчихоналар вакилларига чин дилдан ташаккур айтаман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака ёр бўлсин.



ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИНИНГ ЗУМРАД ГАВҲАРИ

Бугун жаҳон тарихи ва маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутган Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги кенг нишонланмоқда. Зеро, шу йил 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. ЮНЕСКО томонидан мазкур шаҳарга асос солинганлигининг 2700 йиллигини нишонлашда ушбу халқаро ташкилотнинг иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилингани эса буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темур ватани кўҳна Кеш — Шаҳрисабзга нисбатан жаҳоний эътибор ва эътирофнинг яна бир яққол далили бўлди.

Шаҳар юбилейи муносабати билан Оқсарой, Дорут-тиловат, Дорус-саодат мажмуалари, Чорсу савдо гумбази, Чубин мадрасаси каби тарихий обидалар таъмирланди. Қурилиш, ободонлаштириш, аҳолини газ ва ичимлик сув билан таъминлашни, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилди.

Энг муҳими, байрам тараддуди мустақиллик туфайли мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳақиқий тарихимизни тиклаш ва ўрганиш, неча минг йиллик қадриятларимизни қарор топтириш, ўзлигимизни теран англаш, қадимий шаҳарларимиз, азиз-авлиёлар қадамжоларини обод қилиш борасидаги улуғвор ишларнинг изчил давоми сифатида кишиларимизни ғоят руҳлантириб юборди.

...Яшил шаҳар. Оқсарой. Кўкгумбаз. Бугун Шаҳрисабзга дахлдор номлардаги ана шу рангинлик, кеч хазонрез фасли эканига қарамай, шаҳарнинг ҳусн-тароватида ҳам ўз аксини топгандек.

(Давоми 2-бетда)

ШАҲАРНИНГ ЖАҲОН ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

Шаҳар юбилейи муносабати билан 1 ноябрь куни «Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди.

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги бу қадар кенг миқёсда нишонланаётгани мустақиллик шарофатидандир. Шаҳар тарихий обидаларининг ЮНЕСКО томонидан жаҳон мероси рўйхатига киритилгани бежиз эмас. Зеро, Шаҳрисабз дунё цивилизациясида муносиб из қолдирган қадимий шаҳарлар сирасига киради.

Анжуманда таниқли олимлар А.Сагдуллаев, Р.Сулаймонов, М.Исҳоқов, У.Қорабоев, У.Уватов ва бошқаларнинг шаҳар тарихига бағишланган маърузалари тингланди.

Илмий анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Майкл Барри Лейн сўзга чиқди.

■ (ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» 2002 йил 24 октябрдаги ПФ-3154-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Жамғармага юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар, бошқа хўжалик бирлашмалари, банклар, халқаро, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари, хорижий компанияларнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси муассислари сифатида қатнашиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда Жамғарма ва унинг жойлардаги таркибий бўлинмалари фаолиятини ташкил этишда фаол қатнашсинлар.

2. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти республика даражасида Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг раиси эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жамғарма минтақавий филиалларининг ҳомийлик кенгашлари тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жўқорғи Кенгес Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли равишда минтақавий филиаллар ҳомийлик кенгашларининг раислари ҳисобланадилар.

Болалар спорт иншоотларининг моддий базасини қуриш бўйича қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши юзасидан масъулият шаҳар ва туманлар ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари штатларига болалар спортининг спорт базаси шакллантирилиши ва ривожлантирилиши учун жавоб берадиган биттадан етакчи мутахассислар штати киритилсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилмаси, унинг чекланган ходимлари сони 18 кишидан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси ва минтақавий филиалларнинг намунавий тузилмаси;

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом маъқуллансин.

Белгиланснки, Жамғарма аппарати ва унинг минтақавий филиаллари таъминоти Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4. Жамғарманинг Ҳомийлик кенгашига:

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат тузилмаларини, шунингдек хорижий шериклар маблағларини жалб этишни таъминлаш;

болалар жисмоний тарбияси ва спортини ривожлантиришга изчил ёндашувларни, шунингдек болалар спорт иншоотлари лойиҳаларининг намунавий, илмий асосланган негизда ишлаб чиқилишини ва жорий этилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғармага унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда, унинг моддий-техника ва молиявий базасини мустаҳкамлашда ҳар томонлама кўмаклашиш;

Жамғарма томонидан тўпланган маблағлардан мақсадли (йўналишлар бўйича) ва қонуний равишда фойдаланилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш, Жамғарма ижро этувчи директорининг ва унинг тузилмаларининг Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш;

Жамғарманинг таъсис конференциясини ўтказишда, уни ноҳукумат халқаро ташкилот сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишда ва унинг тузилмалари раҳбарларини тасдиқлашда кўмаклашиш тавсия қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда Жамғарма дирекцияси билан биргаликда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Жамғарма, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2005 йилгача мамлакат аҳоли пунктларида болалар спорт комплексларини жойлаштириш ва ривожлантириш схемасини 2003 йил 1 январгача ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун тақдим этсин, бунда уларнинг ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштирилишини, шунингдек замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозланишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Даврхитектқурилиш» қўмитаси кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ болаларнинг ижтимоий ва ёши хусусиятларини ҳамда болалар ва ёшларнинг жисмоний тарбия-спорт тайёргарлигига эҳтиёжини, шунингдек болалар спорт комплексларининг санитария-гигиена ва маиший шароитларига қўйиладиган юксак талабларни ҳисобга олувчи болалар спорт комплексларининг базавий намунавий лойиҳалари тендер асосида ишлаб чиқилишини ташкил этсин.

Жамғарма болалар спорт комплекслари базавий намунавий лойиҳаларининг буюртмачиси этиб белгиланснин, бош лойиҳалаштириш ташкилоти функциялари «Даврхитектқурилиш» қўмитасининг «ЎзЛИТТИ» акциядорлик жамиятига юклансин.

Белгиланснки, экспертизадан ўтмаган ва «Даврхитектқурилиш» қўмитаси билан келишилмаган болалар спорт комплексларини қуриш қатъий тақиқланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Жамғарманинг минтақавий филиалларини жойлаштириш, уларни ўз функцияларини бажаришлари учун мебель ва зарур техника, алоқа воситалари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи дирекциясини жойлаштириш учун бир ой муддатда бино ажратсин.

9. «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси шартнома асосида Жамғарма дирекциясини хизмат автотранспорти билан таъминласин, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги эса Жамғарма буюртманомасига кўра Жамғарма марказий аппаратини ва унинг минтақавий филиалларини зарур алоқа, шу жумладан ҳукумат алоқаси воситалари билан жиҳозласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 31 октябрь

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИНИНГ ЗУМРАД ГАВҲАРИ

Бобокалонимиз Амир Темур қурдирган муаззам обидаларнинг нақшинкор кошинлари кўзни қамаштиради. Бошқа бир буюк бобомиз — Алишер Навоий ҳазратларининг табаррук излари қолган қадимий кўчалар гавжум. Байроқлар, гуллар сурурбахш, байрам кайфиятидаги ҳамюртларимиз юзидаги табассум эса офтобдек беҳад ёқимли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1 ноябрь куни мазкур сана муносабати билан Шаҳрисабзга ташрифи Кўкгумбаз масжиди зиёратидан бошланди.

Ислом Каримов таъмирдан кейин янада кўркамлашган, яшарган, янгиланган, умри узайган тарихий обидаларни кўздан кечирар экан, яқинда — 14 октябрь куни Шаҳрисабзга сафари чоғида бу иншоотлар таъмири юзасидан билдирган таклиф ва тавсиялари кўнгилдагидек амалга оширилганидан мамнуниятини яширмади.

Жаҳонгир Мирзо мақбараси ёнидаги кўкка бўй чўзган қадимий ва азим чинорларнинг ёши аниқланиб, улар давлат муҳофазасига олингани ҳақида лавҳалар ўрнатилди. Айниқса, ана шу асрий чинорлар пойидаги лавҳалардан бирида Юртбошимиз лутф этган қуйидаги сўзларнинг қайд этилгани зиёратчиларни тўлқинлантириб юбориши табиий: «Муқаддас жойдагина аждодлар эккан дарахтлар ўсади ва муқаддас куч уларни асрлар оша асрайди».

Мамлакатимиз рахбари бу азим чинорларни асраб-авайлаш, тарихий обидаларни авлодлар учун мана шундай гўзал ва навқирон ҳолда сақлаш катта масъулият ва шараф эканини яна бир бор уқтирди.

Шундан сўнг Президентимиз шаҳар юбилейининг асосий тантаналари ўтадиган Амир Темур майдонига йўл олди.

Кўҳна Кеш ўз тарихида турфа байрамларни кўп кўрган. Аммо бугунги айём ўзининг бетакрор шукуҳи ва таровати билан уларнинг ҳеч бирига ўхшамайди. Майдон марказидаги улкан амфитеатр мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган вакиллар, воҳа фаоллари, чет давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари билан гавжум.

Президент Ислом Каримов тантанали маросим иштирокчиларини, улар сиймосида бутун халқимизни қадим шаҳарнинг қутлуғ тўйи билан муборакбод этди.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Майкл Барри Лейн йиғилганларни мазкур нуфузли халқаро ташкилот Бош директори Коичиро Мацуура номидан самимий қутлар экан, қадимги Кешнинг жаҳон тараққиётида тутган ўрнини юксак баҳолади.

Қашқадарё вилояти ҳокими Б.Ҳамидов, меҳнат фахрийси Э.Бозоров, Зулфия Давлат мукофоти совриндори, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги лицей ўқувчиси Г.Эргашева юртимизда миллий қадриятларимизни тиклаш, бой тарихимизни тўлалигича ўрганиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар, жумладан, қадимий Шаҳрисабзнинг бугунги тўйи учун Юртбошимизга миннатдорлик сўзларини изҳор этди.

Шаҳар юбилейига бағишланган томошалар бошланди. Театрлаштирилган дастурларда кўҳна Кешнинг олис ва шонли тарихи, бугунги куни теран бадиий лавҳаларда гавдалантирилди.

Куй қўшиққа, қўшиқ рақсга уланди. Истиқлол, истиқбол, юрт озодлиги ва ободлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти, тинч ва осойишта турмушимиз васф этилган жўшқин қасидалардан руҳланиб, кўнгилда шукроналик туйғулари мавжланади. Шундай кезларда хаёлдан Президентимиз Шаҳрисабз обидаларини зиёрат этиш чоғида айтган қуйидаги сўзлари кечади:

«Муқаддас жойлар доимо юртни асрайди».

■ **Гулом МИРЗО,**
Абдужалол ТАЙПАТОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

✧✧✧

Суратларда:
байрам тантаналаридан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Партия Чортоқ туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Матбуот куни»да БПТ котиблари, туман почта бўлими, «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти туман бўлими вакиллари, депутатлар, ижодкорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Тадбирда оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти, партия газеталари ва журналининг ибратли ишлари, келгуси йил учун обунани ташкил этиш тўғрисида сўз юритилди.

Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган ДЭН — Заҳира аёллар маркази таркибида асосан ХДП аъзолари турибди. Қишлоқ аёлларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни мақсад қилган ушбу марказ Учқўрғон туман партия кенгаши билан ҳамкорликда Й.Охунбобоев номли маҳалла фуқаролар йиғинида «Аёл ва жамият» мавзуида семинар-тренинг ўтказди.

ХДП Марғилон шаҳар кенгаши, «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида Марғилон қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ва талабалари ўртасида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган, «Ўзбекистон Конституцияси — бахтимиз қомуси» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди. Унда Конституциямизнинг халқчиллиги, инсонпарварлик қудрати, демократик тамойиллари тўғрисида «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими ходимлари Т.Абдурахмонов ва М.Раҳимов, ХДП Марғилон шаҳар кенгаши биринчи котиби М.Исоқов, коллеж директори Б.Йўлдошев ва ижтимоий фанлар ўқитувчиси Р.Фозиловлар маърузалар билан қатнашдилар.

ХДП Кўрғонтепа туман кенгаши «Кўрғонтепа» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Маъмуробод»,«Учқун» маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда «Инсон азиз, хотираси ундан азиз», деб номланган хотира кечасини ташкил этди.

Араббой ота Каримов хотирасига атаб ўтказилган тадбирда, марҳумнинг оила аъзолари, дўсту биродарлари, фронтдошлари, маҳалла оқсоқоллари қатнашдилар. Барча сўзга чиққанлар Араббой отанинг инсонийлиги, ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, элу юртга сидқидилдан хизмат қилганлигини эслаб, бу инсоннинг етти нафар фарзандлари ҳам, отасига муносиб ўғил бўлиб, Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётганликлари ва жамоат ишларида фаол иштирок этаётганликларини таъкидлаб ўтдилар.

Беруний туман ҳокимлиги, партия кенгаши, «Камолот», «Нуроний», «Маҳалла» каби нодавлат нотижорат ташкилотларнинг туман бўлимлари ҳамкорликда «Қариялари эъзозланган юртим» мавзуида маданий-маърифий тадбир уюштирдилар. У.Юсупов номли умумтаълим мактабида бўлиб ўтган ушбу тадбирда 60 дан ортиқ зиёлилар қатнашдилар. Учрашувда туман ҳокими А.Жуманиёзов, партия туман кенгашининг биринчи котиби Ю.Насурлаев, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Ю.Камолов, туман халқ таълими бўлими мудири Э.Ҳасанов ва бошқалар ўтмиш гувоҳи бўлган табаррук инсонларнинг ҳурматини жойига қўйиш, эзгуликнинг қадрига етиш тўғрисида гапирдилар. Учрашувда 11 нафар ўқитувчи ва мураббийларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирга халқ депутатлари Беруний туман Кенгаши депутатлари Н.Қурбониёзов ва А. Каримовлар ҳомийлик қилдилар.

ХДП Амударё туман кенгашининг ана шундай тадбирига узоқ йиллар маориф соҳасида хизмат қилган партия фаоллари — У.Полвонова, У.Бобониёзова, Р.Саидбоев, М.Эрназаров, Ю.Файзуллаев, У.Ёқубова, З.Авезова, Б.Хўжамуротовлар таклиф этилиб, уларга иззат-эҳтиром кўрсатилди.

Шунингдек, мазкур туман партия кенгаши партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда партия аъзолари ва депутатларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга интилмоқда. Улар ёрдамида партия кенгаши болаларга ғамхўрлик кўрсатиб, 7-сонли болалар боғчаси ва 83-сонли боғча-мактаб мажмуасига гиламлар совға қилди.

«ПАХТА-2002»

АЗМУ ҚАРОР УДДАЛАНДИ

Андижонлик мухбиримиз Аҳмадилло СОЛИЕВ хабар беради:

— Сентябрнинг охирларидаёқ 310 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини тиклаган ва республикамизда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш йиллик шартномавий режасини бажарган вилоят пахтакорлари яна 60 минг тонна қимматли хомашё топшириб, ялпи ҳосилдорликни 37,5 центнердан оширишга азму қарор қилган эдилар. Ўтган куни вилоят заршунослари шу азму қарорларининг ҳам уддасидан чиқишди: ялпи хирмон салмоғи 370 минг тоннага етди.

БОЛАЛАР СПОРТИ

КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ЯНА БИР КАФОЛАТИ

Туманимиздан кўплаб футбол юлдузлари етишиб чиққан. Ака-ука Равшан ва Алишер Бозоровлар, Абдумажид ва Мақсуд Тоировлар, Элдор Ахтямов, Рустам Асқаровлар шу ерда камол топган. Биздаги «Турон», «Оқ олтин» ўйингоҳларига бошқа тумандагиларнинг ҳаваси келади.

Бундан уч йил муқаддам қаровсиз қолган «Оқ олтин» ўйингоҳида болалар футбол мактабини очгандим. Тажрибали мураббийларни ишга таклиф этдим. Ҳашар йўли билан ўйингоҳни таъмирладик. Атрофига гуллар экиб, кўкаламзорлаштирдик. Ҳозир қишлоқ меҳнаткашларининг 200 нафардан зиёд фарзандлари бу ерда футбол билан шуғулланмоқда.

Афсуски, муаммоларимиз ҳам етарли. Айниқса, спорт жиҳозлари, кийим-кечаклар олишда қийналардик. Мусобақа ўтказиш учун маблағ ахтарардик. Президентимизнинг болалар спортига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, эълон қилган Фармоннинг ҳар бир бандини эътибор билан ўқиб чиқдим. Кейин худди йўқотган нарсасини топиб олган одамдек қувониб кетдим. Болалар спорти нималигини яхши биламан. Муаммолар ўзига етарли. Бу ҳақда узоқ йиллардан бери фақат гапириларди. Амалий иш кам эди. Қоп-қоп гапдан, насиҳатдан мана шу биргина Фармон минг марта афзал. Унинг аҳамиятини биз яхши биламиз. Бу мамлакатимиз спорти келажагининг кафолати бўлди.

■ **Зиёдулла НАЗАРОВ,**
Ўзун туманидаги футбол мактаби мураббийи.

ҚИНҒИР ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

ТЕМИР ЙЎЛ... ЎЙИНГОҲ ЭМАС

дейди Тошкент Транспорт ички ишлар бошқармасининг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими инспектори, милиция лейтенанти Қаҳрамон Саидмуродов.

— Қаҳрамон Лапасович, мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол ўсиши, етук инсон бўлиб етишиши учун барча шароитлар яратиб берилмоқда ва бу борада ҳукуматимиз тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Бироқ, баъзи ота-оналар фарзандлари олдидаги ўз бурчларини унутиб қўйиб, уларнинг тарбияси билан мутлақо шуғулланмаётганлиги, назоратсиз қолдираётганлиги ва пировардида, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тез-тез содир бўлаётганлиги ҳақида ички ишлар органлари ходимларидан баъзан эътирозлар бўлиб туради. Сиз ўз хизмат вазифангиз фаолиятидан келиб чиқиб, бу борада нима деган бўлардингиз?

— Чиндан ҳам баъзи лоқайд ота-оналарга ҳақли эътирозларимиз бор. Масалан, 2002 йилнинг ўтган ойлари давомида Тошкент Транспорт ички ишлар бошқармасининг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлинмаси ходимлари 550 тадан ошиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлашди. Бундай ҳолатлар кўпроқ уч кўринишда намоён бўлаётир: биринчиси, саёқ юрган дайди болалар ҳаётида. Биз улар билан суҳбатлашганимизда, шу нарса маълум бўлдики, деярли барчасининг ота-оналари бор. Фақат, оиладаги салбий муҳит (ота-онасининг ичкиликка ёки тижорат (бизнес)га муккасидан берилиб кетганлиги, калтаклашлари, назоратсиз қолдирилганлиги) уларнинг ўз уйларидан чиқиб кетишларига сабаб бўлган. Йил бошидан буён 46 нафар вояга етмаган саёқ болалар ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш марказига жойлаштирилди.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг яна бир кўринишини — бу темир йўлда поездларга тош отиб, вагон ойналарини синдириш. Жорий йилда 40 нафар вояга етмаган болалар тош отиб, поезд вагонларининг ойналарини синдирганлиги учун ушланди. Тўғри, улар бу ишни қандайдир ғаразли мақсад йўлида эмас, бебошлик, онгсизлик, масъулият тушунчаси йўқлиги туфайли содир қилмоқдалар. Лекин бу ножўя хатти-ҳаракатлар жамиятга катта моддий ва маънавий зарар келтираётир. Масалан, 1 квадрат метр вагон ойнаси 7 минг сўмдан ортиқ туради. Қолаверса, вагонларда кетаётган ватандошларимиз бундан азият чекишларини айтмайсизми?

Янгийўл шаҳар Эскиқовунчи маҳалласида яшовчи, 45-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Абдумалик исмли болакай отган тош Тошкент-Бухоро поездида ширин хаёл оғушида кетаётган йўловчи Элмуродова Нилуфарнинг бошига тегиб, танжароҳати етказган. Ёки 1989 йилда туғилган Салимов Жони Тошкентнинг Жанубий вокзалидан ўтиб кетаётган поездга тош отиб, унинг ойнасини синдириш билан бирга йўловчи Баратов М.нинг кўзини шикастлаган...

Кейинги вақтларда вояга етмаганлар томонидан темир йўллардаги светофорлар ишлашини таъминлаб турувчи трансформаторларни бузиш ва улардаги рангли металлдан ясалган деталларни ўғирлаб кетиш ҳоллари ҳам содир бўлаётир. Яқинда вояга етмаган Сесибаев Дилшод (оҳангаронлик) «Облик» бекатида ва Ўртачирчиқ туманида яшовчи Турсунқулов С. ҳамда Меликов С.лар Жалоир бекатида ана шундай жиноий ишни амалга ошираётганларида қўлга тушдилар.

Ўйлаб кўринг: трансформатор ичидаги 1-2 килограмм миқдордаги алюминий детали улар кимларгадир арзимас 500-600 сўмга сотиб юборишади... Воҳаланки, нархи 130 минг сўмдан ортиқроқ бўлган ҳаракатдаги трансформатор батамом ишдан чиқиб, светофорнинг ишламай қолиши туфайли (Оллоҳ ўзи асрасин!) кутилмаган фалокат юз бериши мумкин-ку...

Ёшлар томонидан содир қилинаётган ҳуқуқбузарликнинг учинчи бир кўриниши темир йўлдан ўтиш қоидаларини билмаслигидир. 2002 йилнинг ўтган даврида 406 нафар вояга етмаган болалар темир йўлнинг ўтиш тақиқланган жойидан ўтаётганларида тўхтатиб қолинди. 4 нафар ўспирин поезд остида қолиб, ҳаётдан бевақт кўз юмди. 10 нафари ҳар хил тан жароҳатлари билан ногирон бўлиб қолди.

— Қайд қилиб ўтилган бундай ҳолларга карши бўлим жамоаси қандай чоралар кўрмоқда?

— Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик, бахтсиз ҳодисалар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бор имкониятлардан фойдаланиб, кенг кўламли чора-тадбирлар кўраяпмиз. Аҳоли, ота-оналар ва болалар ўртасида кенг тушунтириш ишлари, суҳбатлар, амалий учрашувлар ўтказилмоқда. Лекин, шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозим, жамоатчилик, ота-оналар ва мактабларнинг педагогик жамоалари кўмагисиз кутилган натижаларга эришиш қийин. Шундай экан, эртамиз эгалари — ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш — ҳаммамизнинг, ҳар биримизнинг бурчимиз.

■ **Суҳбатдош: Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА**

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

ОИЛА ВА НИКОҲ



Жамиятда тутган мавқеимиз, обрў-эътиборимиз, бир сўз билан айтганда, нуфузимиз кўп жиҳатдан оиламиздаги соғлом муҳитга ҳам боғлиқ. Зеро, жамиятнинг ҳар бир фуқароси дастлабки ҳаётий кўникма, тарбияни оиладан олади. Оила ва никоҳ масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилишининг боиси ҳам шунда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси барча вилоятларда амалий тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Яқинда депутатлар ишчи гуруҳи аъзолари Ўзбекистон Республикасининг «Оила Кодекси» (иккинчи бўлими) никоҳга оид нормаларининг Сирдарё вилоятидаги ижросини атрофлича ўрганиб чиқди. Вилоят туманларида ўтказилган текширув натижалари шуни кўрсатдики, ҳали бу борада муайян амалий тадбирлар амалга оширилиши керак, чунки қилинган ижобий ишлар ўзимизники, лекин ечимини топмаган муаммолар ҳам талайгина.

Шу муносабат билан Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг депутатлар ишчи гуруҳи ушбу текширув натижалари ҳақида ҳисобот йиғилиши ўтказдилар. Анжуманда Сирдарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Камолиддин Оқбўтаев ахбороти тингланди.

Вилоятда 13 та фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари (ФҲДЁ) қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатмоқда. Улар «Оила Кодекси» ва унга оид бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланган. Шунингдек, вилоят «Никоҳ саройи»да ва барча фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ташкил этилган «Оила ва никоҳ» методик марказлари, «Оила дорилфунуни»да ёш йигит-қизларни оила қуришга тайёрлаш, уларга соғлом турмуш тарзини тушунтириш мақсадида режа асосида машғулотлар ўтказилмоқда. Никоҳдан ўтувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, вилоятда «Оила Кодекси»ни ижро этишда айрим хато ва камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, вилоятда сўнгги уч йил давомида тузилган никоҳларнинг бирортасида эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқий ва мажбуриятларини белгиловчи никоҳ шартномаси тузилмаганлигини ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Оила осойишта кўрғон, ошёндир. Никоҳ эса шу мустаҳкам кўрғоннинг таянчи, синчидир. Зотан, таянч қанча барқарор бўлса, ошён шунчалик осойиштадир.

■ Саида САЙХУН

ИҚТИСОД

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Кўргазмага киришингиз билан ўзингизни катта зиёфатга ташриф буюргандек ҳис этасиз. Бу ерда намойиш этилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, турли пиширириқлар, ичимликлар ва ҳар хил консерва неъматлари ўзининг бежиримлиги, сифатли қадоқланиши билан эътиборни тортади.

— «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ташкил этилган навбатдаги халқаро кўргазманинг еттинчи марта Тошкентда уюштирилиши ҳам бежиз эмас, — дейди «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раиси ўринбосари Рустам Акбархўжаев. — Анъанавий халқаро кўргазмадан кўзланган мақсад, турли мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган ноз-неъматларнинг тайёрланиш технологиясини ўрганиш, керак бўлса юртимизда татбиқ этиш, қўшма корхоналар очиш йўли билан халқимизнинг бундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

— Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизга жаҳон бозорида талаб ортиб бораётганидан мамнунмиз, албатта, — дейди Тошкентдаги «Туфин» қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари Рустам Тешаев. — Маълумки, корхонамизга 1996 йили асос солинган. Ўшанда Исроилнинг «ТИССО-М» корхонаси билан ҳамкорликда иш бошлаганмиз. Асосий маҳсулотларимиз шоколаддан тайёрланган қандолатчиликка хос неъматлардир. Хусусан, ҳозир 105 номдаги 350 хилдан ортиқ ранг-баранг шоколадлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳар йили кўргазмаларда иштирок этиб келяпмиз. Россия, Қозоғистонда ўз офисларимиз бор. Жанубий Корея, Қозоғистон, Россия давлатларида маҳсулотларимизга қизиқиш катта.

Кўргазма ташкилотчиси ва ташаббускори TNT Productions компанияси бўлиб, бошланган хайрли тадбирни йилдан-йилга янада кенгайтириш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда. Хусусан, бу галги кўргазмада тўққиз мамлакатдан турли компанияларнинг вакиллари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқдалар. Ният битта, у ҳам бўлса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўпайтириш, харидорларни излаш ва савдо битимини имзолашдан иборат.

■ Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

«МЕНИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ОЛИШИНГИЗНИ СЎРАЙМАН!»

ДЕБ ИЛТИМОС ҚИЛИШАДИ ЮРАГИДА ЎТИ БОР ЙИГИТЛАР

КУЗГИ ЧАҚИРИҚ

Айни кунлар мудофаа ишлари бўлимлари учун қизғин палла — чақириқ ёшидаги йигитлар махсус кўрикдан ўтказилиб, ҳарбий хизматга жўнатиляпти. Синчиклаб қараган одамга собиқ шўро давридан кўра бугунги кунда ҳарбий хизматга чақириш жараёнидаги кескин фарқ дарҳол билинади. Мустақиллигимиздан аввал чақириқ пайтида «военкомат»лар олдида ҳарбий хизматга кетаётган йигитлардан кўра уларнинг ота-оналари, тоға, амма-холалари кўпроқ бўларди. Қариндошлар чақирилаётган йигитча изидан юришни дастлабки комиссияданоқ бошлашарди. Қисмлардаги «дед»лар, миллатчилик, шунингдек, Афғонистондаги вазиятдан ота-она саросимада бўларди. Ва нуридийдасини ҳарбий хизматдан олиб қолиш учун югур-югурлар бошланиб, соғлом йигитнинг тўсатдан «касал» бўлиб қолиши, «қизил книжка» учун чўнтак ковлашлар ҳам одатий ҳолга айланиб қолганди.

Ҳозир ота-оналар кузатиш ва қасамёд қабул қилиш маросимларидагина келишади. Юк халтасини осиб, Ватан олдидаги бурчини ўташга отланаётган азамат ўғлидан фахрланишади. Тўғри, соғиниб қолишлари мумкин, аммо бу муаммо эмас: икки-уч ой ўтар-ўтмас ҳарбий қисмга кириб боришлари мумкин. Ҳар қалай, Ўзбекистоннинг нариги чеккаси ҳам узоқ Сибир ўрмонлари эмас-ку.

Шунинг учун ҳам Беруний туман мудофаа ишлари бўлимида бир гуруҳ йигитлар тиббий кўрикдан ўтаётганда ота-оналар кўринмаганига унчалик ҳайрон бўлмадим. Аслида бунга хурсанд бўлиш керак — ота-оналарнинг кўнгли хотиржам. Яна бир тарафдан ҳозирги йигитларни етаклаб юришга ҳожат йўқ.

Йигитларни суҳбатга тортдим. Спорт билан шуғулланиши шундоқ кўриниб турган гавдали йигит ўзини Ғайрат Шониёзов деб таништирди.

— Бўйим 175,5. Тош кўтариш, футбол билан шуғулланаман. Десантда хизмат қилиш орзуим бор. Акамнинг ўртоғи яқинда хизматдан қайтди. Аскарлик ҳаёти ҳақида гапириб берганида жуда ҳавасим келди. Юртим учун энг керакли аскар бўлишни истайман. Яхши кўрсаткичларга эриша олсам, шартнома асосида хизматни давом эттираман.

1

Баҳром исмли йигит икки йилдан буён ҳар чақирикда тиббий кўрикдан ўтаётган экан.

— Хизматга боришни истайман, — дейди Баҳром. — Худо хоҳласа бу гал олишади.

Беруний туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Худоёр Рўзимбетов йигитларнинг соғлиқ ва маънавий жиҳатдан энг муносиблари танлаб олинаётганини билдирди. Соғлиғи тўғри келмаган йигитларга даволаниш учун йўлланма берилиб, кейинги чақириққа қолдирилади.

— Чақириқ ёшидаги йигитларнинг тўқсон тўққиз фоизи армияга боришни исташади, — дейди Х.Рўзимбетов. — Биласизми, ҳатто мени ҳарбий хизматга олишингизни сўрайман деб ариза ёзаётганлар кўпаймоқда.

Тиббий кўрик бўлаётганда ҳаво очиқ, кун илиқ эди. Юз чоғли йигит очиқ ҳовлида навбат кутиб туришибди. Ўтиргичлар йўқлигидан кимдир тик турибди, кимдир чарчаганидан шундоқ ерга чўккалаган. Ёғингарчиликда шу ерда соатлаб кутиш қандай азоблигини кўз олдимга келтирдим.

— Ҳокимлик кутиш зали ташкил этиш имкони бўлган бошқа бино ажратишга ваъда беряпти, — дейди майор Х.Рўзимбетов.

ЭХИНОКОКК ПАНД БЕРДИ

Тўрткўллик О. исмли йигит шу йил баҳорги чақирикда ҳарбий хизматга жўнаб кетган эди. Орадан озгина фурсат ўтиб қисм шифокорларининг «хизматга яроқсиз» деган қоғози билан қайтиб келди.

Маълум бўлдики, тумандаги тиббий кўрикда йигитчанинг ички касалликлари аниқланмай қолган экан. Тумандаги шифокорлар О.ни ўн икки бармоқли ичагидаги яра ва жигаридаги эхинококк билан хизматга яроқли деб кузатиб юборишибди!

Шу жиҳатдан тиббий кўрик шифокорлари зиммасига қанчалик масъулият юкланганини англаш қийин эмас. Шифокорларнинг ўзлари ҳам буни ҳис қилишадими? Тўғри, Тўрткўл туман УЗИ ва эндоскопист шифокорига Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан чора кўрилди. Аммо шифокорларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ҳам мавжуд экан.

— Эндоскоп соз ва эндоскопист тажрибали бўлса тўқсон саккиз фоиз аниқ ташхис қўйишга кафолат бор, — дейди Р.Қурбонбоев. — 1986 йилдан буён эндоскопист бўлиб ишлайман. Эндоскопим 1996 йил хизмат муддатини ўтаб бўлган, оптикаси кетган. Оптиканинг толалари узилган, ўша узилган толалар ўрни қорайиб қолади ва бу доғларнинг орқасида яра кўринмай қолиши мумкин...

Вазирлик раҳбарлари шифокорларга чора кўришгану, аммо муаммони ҳал этиш ҳақида ҳеч ким бош қотирмаган. Чунки мазкур чақирикда ҳам йигитлар ўша эндоскоп билан текширилянти! Демак, воқеанинг такрорланиши эҳтимоли йўқ эмас.

МУҚОБИЛЧИЛАР

Ҳарбий хизматга жўнаётган йигитга ота-онасининг иссиқ бағридан узоқда ўзини синаб кўришга имконият туғилади. Муқобил хизматга юборилган йигитнинг ҳаётида нима ўзгаради? Деярли ҳеч нарса. Одатдагидек, ҳар куни онаси эркалаб уйғотади: «Турақол, ўғлим, ишга кеч қоласан...» Бунинг устига бу иш муқобилчига сираям ёқмаслиги мумкин. Масалан, ёш йигитча таниш-билишлари орасида мактаб ҳовлисини супуришни ўзига муносиб иш деб билмайди. Муқобил хизмат бўлимлари учун эса бу айни муддао — бюджет ташкилотлари йигирма фоиз маблағни ойма-ой мунтазам ўтказишади. Бу жойларда эса муқобилчиларга фақат юқоридаги каби ишларни таклиф қилишади. Агар бўлса.

2

«Тўрткўл-нон» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Ш.Каримбоев муқобил хизматдаги йигитларни ишга олган эди, энди бармоқ тишлаб ўтирибди.

— Ишимиз сменали, уйлари яқингинада, қийналишмайди деб ўйлаган эдик. Ишни яхши ўрганишса, кейинчалик ўзимизда олиб қолиш ниятимиз ҳам йўқ эмас эди. Аммо йигитларнинг айримлари баъзан уйда иш чиқиб қолди, отамга қарашдим, деган баҳоналар билан бир кун-ярим кун ишга келмайдиган одат чиқаришди. Олти нафари бир неча кундан буён ишга чиқмади, туман муқобил хизмат бўлимига рапорт ёзишга мажбур бўлдик. Ишлаб чиқаришда узилиш бўлса корхонага зиён...

Бу муқобилчини ишга олган корхона раҳбарининг муаммоси. Муқобил хизмат бўлими бошлиғининг муаммоси ҳам йўқ эмас.

— Туманимиздаги банкротга учраган тўқимачилик корхонасининг муқобилчилар иш ҳақидан йигирма фоизи ҳисобидан тўрт юз минг сўм қарзи бор. «Бий» кичик корхонасидан қарзимизни ундиргани борсак, ҳар сафар корхона эшигида қулф, — дейди Тўрткўл туман муқобил хизмат бўлими бошлиғи М.Тожибоев.

Қорақалпоғистон Республикаси Муқобил хизмат бўлими бошлиғи Жумамурот Абдимуратов уч йилдан буён узилмаган қарзлар ҳам борлигини айтди. Ҳатто, хўжалик судига мурожаат қилишга тўғри келди.

— Сабаби — пулни ўтказиб бериш муддати қонунда кўрсатилмаган. Турли корхона ва ташкилотларнинг хўжалик юритиш шакллари ўзгарди. Уюшмалар фермер хўжаликларига бўлиниб кетди. Уюшманинг бир ҳисобчиси ўрнига ўн-ўн беш ҳисобчи билан ишлашига тўғри келяпти. Муқобилчиларнинг ишини назорат қилиш ҳам қийин — 250-300 муқобилчига бир инспектор тўғри келади.

3

Муқобилчилар хизмат қилиши мумкин бўлган соҳаларни ҳам кенгайтириш керакмикан? — дейди у.

Қонун бўйича муқобилчи хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин эмас. Суҳбат давомида ўзимни хаёлан муқобилчи ўрнига қўйиб, бунинг йўлини топдим: корхона раҳбари билан келишаман, иш ҳақимдан йигирма фоиз мунтазам ўтиб туради, ўзим эса бемалол хусусий тадбиркорлик ёки бошқа бирон даромадлироқ иш билан шуғулланавераман...

Муқобилчиларнинг ҳарбий ўқувлари ҳам такомиллаштиришга муҳтож. Ҳозир бундай ўқувлар ўн кун давом этади. Шу муддат ичида йигитлар қасамёд қабул қилишади, сафда юриш машқини ўташади, отишни ўрганишади.

— Ҳарбий ўқув машғулотлари бир ярим-икки ой қилиб белгиланса ва ҳарбий қисмлар базасида ўтилса, ҳақиқий заҳирадаги аскарларни тайёрлашимиз мумкин, — дейди Ж.Абдимуратов.

Балки ўшанда йигитларнинг, бошқаларнинг ҳам, муқобил хизмат ва уни ўтаганларга муносабати ўзгарар.

■ Шарофат ТЎРАБОЙ қизи

XORIJDA

ҚАЙТА МУҲОКАМА ҚИЛИШГА ТАЙЁР

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Франция, Буюк Британия ва Россия ташқи ишлар вазирлари билан маслаҳатлашувдан сўнг шуни маълум қилдики, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Ироқ масаласи юзасидан янги резолюция қабул қилишига оз фурсат қолди.

Пауэлнинг Миллий жамоатчилик радиосига берган интервьюсида айтишича, БМТ инспекторлари Ироқда иш бошлаган тақдирда инспекция хулосаларини бир неча ой бўлса-да кутишга Вашингтон тайёр. Агар инспекция хулосалари қониқтирмаган тақдирда ҳам АҚШ Ироқ муаммосини БМТнинг Хавфсизлик Кенгашида қайта муҳокама қилишга ҳам тайёр эканлигини билдирди.

ЛИВИЯ ЛИГАДАН ЧИҚМОҚЧИ

Ливия Араб давлатлари лигасининг аъзоси ҳисобланади. Бироқ энди у Лига таркибидан чиқмоқчи. Араб давлатлари лигасининг Бош котиби Амра Мусу Ливия ҳукуматидан бу тўғрида расмий меморандум олганлигини маълум қилди.

Ливия расмий вакилининг айтишича, Лига Ироқ ва Фаластин муаммоларини ечишда ожизлик қилаётганини воқеликлар исботлаб турибди. Ливия давлати бошлиғи Муаммар Каддафи ҳам Лига фаолиятидан қониқмаётганини бир неча марта юқори минбарларда туриб айтган эди. Шунинг учун ҳам Лигадан чиқиш ҳақида унинг Қоҳирадаги штаб квартирасига меморандум жўнатилди.

Лига низомига кўра, Ливиянинг ташкилот таркибидан расмий чиқиши бир йилдан сўнг ҳуқуқий ечимини топади.

ТЕКШИРУВ ЯКУНЛАНДИ

Москвадаги Театрлар марказидан жами 30 та портловчи восита, 16 та «Ф-1» граната, шунингдек, 89 та қўлбола ясалган граната топилди. Федерал хавфсизлик хизматининг Криминалистика институти раҳбари ўринбосари Владимир Ерёмин Москвада ўтган матбуот конференциясида бу ҳақда маълумот берди.

Унинг сўзларига қараганда, бино ичидан топилган барча портловчи воситаларнинг умумий вазни 120 килограммга яқиндир. Агар улар портлагудек бўлса, бино ичида гаровга олинганларнинг барчаси ҳалок бўларди.

Меҳнат вазири Александр Починок журналистларга берган интервьюсида айтишича, Россия ҳукумати Театрлар марказидаги террорчилик акти туфайли ҳалок бўлганларнинг оилаларига 100 минг рублдан моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Шунингдек, 50 минг рублдан ўша кунги террордан жабрланганларга, 10 минг рублдан эса нарсаларини йўқотганларга товон пули тўланадиган бўлди.

Вазир таъкидладики, моддий ёрдам учун маблағ етарли. Ёрдам пули ўша куни жабр кўрган чет эллик фуқароларга ҳам тўланади, дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида.



Токионинг осмонўпар бинолари

■ Владимир ПАНОВ олган сурат

УМРБОД ҚАМОҚДА САҚЛАНИШИ МУМКИН

Террорчилик актида қатнашганликда шубҳаланган ҳар қандай шахс эндиликда Буюк Британия қамоқхоналарида суд ҳукмисиз ҳам чекланмаган муддатда сақлаб турилиши мумкин. Бу ҳақда Буюк Британия апелляция суди махсус қарор қабул қилди.

Шу кунларда Британия қамоқхоналарида 10 нафар террорчиликда шубҳаланган шахслар сақланмоқда.

Апелляция судининг бундай қарори ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳозирданоқ қаршиликка учрамоқда.

ИНТЕРПОЛ БЮДЖЕТИ ОШИРИЛДИ

Камерунда бўлиб ўтган Интерпол жамоасининг навбатдаги мажлисида ташкилот бюджетини чорак фоизга ошириш бўйича қарор қабул қилинди. Мақсад терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг самарасини оширишдан иборат.

Мажлисда ташкилий масала ҳам кўрилди. Афғонистон ва Шарқий Тимор мамлакатлари Интерполга янги аъзо сифатида қабул қилиндилар, дейилади Reuters ахборот агентлиги тарқатган хабарда.

СУПЕРБОМБА БИЛАН ҚУРОЛЛАНАДИ

АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари ҳар қандай нишонга ўта аниқлик билан бориб тегадиган супербомба ишлаб чиқишни йўлга қўймоқчи. Мазкур ҳафтада Флориданинг Эглин полигонида JDAM русумидаги, нишонни ўзи мўлжалга олувчи янги бомба туркум синовлардан ўтказилди. Синов муваффақиятли кечди. Янги бомбанинг вазни 250 килограммдир.

Яқин келажакда бундай бомбалар Америка полигонларида синовдан ўтказилаётган, учувчисиз бошқариладиган самолётларга ўрнатилади.

ДАРС ЎТИШАЁТГАН ЭДИ

Италияда юз берган 5,4 балл кучланишли зилзила натижасида Кампобассо шаҳридаги бир мактаб қулаб тушди ва 50 ўқувчи унинг остида қолди. Ansa ахборот агентлигининг хабарига кўра болалар жиддий жароҳат олишган.

Зилзила эрталаб 11.40 да рўй берди. Бу пайтда мактабда дарс ўтилаётган эди.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 5,12,19 декабрь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Содиқова кўчаси, 12-уйда жойлашган, «Тошкент нон» нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси таркибидаги «Тансиқ-нон» АЖга қарашли, «Учқаҳрамон-нон» шўъба корхонасининг балансида бўлган 108-сонли дўкон биноси.

Бошланғич баҳоси — 1600,0 минг сўм.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ДЕНИ ДИДРО – ФРАНЦУЗ ФАЙЛАСУФИ. 1713 – 1784 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Ҳақиқат учун, кўпчилик бўлмаса-да, бироқ, унинг муносиб кишилар томонидан қабул қилиниши — етарли зафардир: барчага маълуб бўлмоқ — унинг қисмати эмас.

● Фалсафага томон биринчи қадам — ишонмаслик.

● Ҳақиқат нима? Бизнинг фикр-мулоҳазаларимизнинг ҳодисаларга мос келиши.

● Наҳотки сизни тинглаётган киши, сўзловчига қараганда, яхшироқ қобилиятларга эга бўлса? Зинҳор бундай эмас. Шунинг учун ҳам бутун бир катта шаҳарда сизнинг сўзларингизни кунига икки маротаба тушунишлари ҳам даргумон.

● Ким бизлар каби оми бўлса, ўша ақллидир.

● Агар курраи заминда ҳамма нарса ажойиб бўлганида эди, унда ҳеч қандай ажойиб нарса бўлмаган бўлур эди.

● Баъзи одамларга ҳақиқатни изҳор этиш, бу — бойўғли уясига ёруғлик нурини юборгандай гап. Ёруғлик бойўғлилар кўзини хиралаштиради, ва улар шовқин кўтарадилар. Агар одамлар ўқимаганликлари учунгина нодон бўлганларида эди, уларни, балким, ҳали билимли қилиш мумкин бўларди; аммо, бундай эмас, уларнинг жоҳилликларида одатийлик мавжуд. [...] Беихтиёр янглишаётган одамнинг эсини киритиб қўйиш мумкин; бироқ, соғлом фикрга қарши соқчилик қилаётган кишига қайси томондан ҳужум қилиш мумкин?

● Ҳаққонийлик, агар даҳолик хислатларига эга бўлсанг, уларни пайқаш мумкин бўлган жозибадорлик фазилатларидан маҳрум эмас.

● Даҳолар кам ўқийдилар, кўп ишларни қиладилар ва ўзларини яратадилар.

● Даҳоларни ўта ёқтирмайдиган кимсалар... ўзларини янада даҳороқ, деб ҳисоблайдилар.

● Эснатадиган китоблар ҳеч кимга зиён етказмайдилар.

● Яхшиларни тақдирлаб, биз бу билан ёмонларни жазолаймиз.

● Фалсафани оммабоп қилишга интилмоқ лозим. Агар фалсафанинг равнақ топишини истасак, халқни файласуфлар даражасига яқинлаштирамиз.

● Кучли жонли тасаввурга эга ёзувчилар учун ҳар қандай тил умуман қашшоқдир.

● Бахт ва бебахтлик бир-бировларига зулмат ва ёруғлик каби муносабатда бўлмайдилар; бирови бошқасининг шунчаки йўқлиги эмас.

● Биз деярли ҳеч нимани билмаймиз. Бироқ, муаллифлари ниманидир биламиз дейдиган қанча асарлар битилган!

● Ҳамма нарса фойдалилик билан белгиланади.

● Яхлитлилик ғоясисиз фалсафа йўқ.

● Нима учун *нимадир мавжуд*, деган савол, — фалсафа таклиф этувчи барча масалалардан энг қийини; бунга ваҳийгина жавоб бериши мумкин.

● Агар сизни олдин нима пайдо бўлган — тухумми ёки товуқми, деган савол довдиратиб қўйса, демак, сиз ҳайвонлар ҳозир қандай бўлсалар, улар ҳамиша шундай бўлган, деб гумон қиласиз. Қандай беақллик!

● Истеъдодлар — оқсуяклик эмаски, улар авлоддан авлодга ўтсалар.

● Доимо ёдда тутгинки, табиат Худо эмас, инсон — машина эмас, фараз — далил эмас.

● Одам жамиятда яшаш учун яратилган...

● ... Агар сен менга қараганда оқил ва яхши ота бўлсанг, сен ўз ўғлингни ёшликдан у ўз ҳаётининг соҳиби эканлигига ўргатасан, токи у унга ҳаёт берган киши устидан шикоят қилмасин.

● Ёмон одамларнинг ҳаёти хавотирларга тўла.

● Нарсаларнинг энг яхши тартиботи — унда менинг бўлишим кўзда тутилганидир, ва унда мен бўлмаган дунёлардан энг яхшисини жин урсин.

● Агар мақсад бўлмаса, ҳеч нима қилмайсан, агар мақсад арзимас бўлса, ҳеч қанақа улкан ишнинг уддасидан ҳам чиқа олмайсан.

● Ўзимиздан кейин олдингига қараганда кўпроқ билим ва бахт қолдиришга уринниш, олган меросимизни яхшилаш ва кўпайтириш — мана нималар устида биз меҳнат қилмоғимиз лозим.

● Чириш мармар остидами ёки тупроқ остида — барибир чириш.

● Ким кўплаб кишиларга бахт инъом этса, ўша энг бахтли одамдир.

● Ҳақиқат танқидни ёқтиради, ундан у фақат ютади; ёлғон танқидни ёқтирмайди, негаки, у ундан ютқизади.

● Самимийлик — ҳақиқатнинг онаси ва виждонли кишининг пешлавҳасидир.

● Чуқур фикрлар, бу — ақлга, уларни ҳеч нима билан суғуриб бўлмайдиган қилиб, қоқилган темир михлардир.

● Даҳолар ўзлари мансуб халқларнинг ифтихорини ташкил этадилар; эртами ёки кечми уларга ҳайкаллар ўрнатадилар ва уларда инсон зотининг валинеъматларини кўрадилар.

● Ўқимай қўйганларида, одамлар фикрламай кўядилар.

● Қаерда мўъжизаларга ишонсалар, улар ўша ердалар, ва уларга қанча кўп ишонсалар, шунча кўп юз берадилар.

● Қаерда пайдо бўлмагин, одамлар ҳамиша сендан тўмтоқроқ эмас бўлиб кўринадилар.

● Икки турдаги қонунлар мавжуд: бирлари — сўзсиз адолатли ва умумий ахамиятга эга, бошқалари эса — одамларнинг омилиги ёки замона зайли туфайли эътироф этилган, бемаънилари. Кейингиларини бузишда айбдорларни улар ўткинчи — вақти келиб, судлар ва халқлар зиммасига умрбод тушадиган, бадномлик билан чулғаб оладилар. Эндиликда, ким шарманда — Сократми ёки уни заҳар ичишга мажбур этган судьями?

● Хун тўлашлик бу дунёда муқаррар нарса. Иккита бош прокурор бор: бири — эшигингиз олдида туриб, жамиятга қарши хаттиҳаракатлар учун жазо берадигани, бошқаси — табиатнинг ўзи. Қонунлардан қочган барча қусурлар унга маълумдирлар.

● Бекорга қўрқоқ ботир бўлиш учун кўкрагига уради; унга аввалдан эга бўлмоқ ва у кимларда бўлса, ўшалар билан муомалада уни фақат мустаҳкамламоқ лозим.

● Инсонпарвар кишининг барча хатти-ҳаракатларида сезилиб турадиган ва ёмон одамда бўлмайдиган ахлоқий назокат бор.

● Чинакам бахтиёрлик барча одамларнинг бир-бирларига муҳтожликларида эканлиги ва сизнинг ўзингизга ўхшайдиганлардан, худди улар сиздан каби, ёрдам кутишингиз, наҳотки, сизга номаълум?

● Унинг иштирокида дўсти ҳақида ҳақоратомуз фикр билдирилишига йўл қўйган кишини биз қўрқоқ, деб ҳисоблаймиз.

● Таъсир қилиш учун таъсирланган бўлиш шарт эмас.

● Агар дўстимнинг хавф-хатарда қолиши мени ўзимнинг хавф-хатаримни унутишга мажбур этмаса, менинг дўстлигим ўта эҳтиёткоронадир.

● Эркаклар аёлга ҳурматсизлик қилганларида, бу деярли ҳамиша шуни кўрсатадики, аёл улар билан ўз муомаласида биринчи бўлиб ҳаддан ошган.

● Аёллар хушомадкорона ёлғонни бир ютишда ичадилар, аччиқ ҳақиқатни эса — томчилаб.

● Муҳаббат, кўпинча, ақлли кишининг ақлини олади ва кимда ақл йўқ бўлса, унга ақл беради.

● Ота-оналар ўз фарзандларини уларни бузадиган хавотирли ва кўнгилчан меҳр билан севадилар. Диққат-эътиборли ва осойишта, уларни виждонли қилувчи, бошқача муҳаббат ҳам бор. Отанинг чинакам муҳаббати худди шундай.

● Ҳаддан ташқари ҳиссиётлилик ўртамиёна актёрларни яратади; ўртача ҳиссиётлилик кўплаб ёмон актёрларни беради, ва унинг йўқлигигина улкан актёрларни етиштиради.

● Ўзимизни яна бир бор севиш баҳонасида ўзгаларнинг муҳаббатига эришмоқчи бўламиз.

● У ҳамма йўлларда иккинчи.

● Театрга кўз ёшларини кўриш учун эмас, балки, уларни тўктирадиган сўзларни эшитиш учун келадилар.

● Актёрнинг фараз қилиши учун, иложи борича, кам нарса қолдирган — улкан муаллифдир.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

ҲУНАР — ТУГАНМАС ХАЗИНА

ЯНГИЙЎЛЛИК ФЕРМЕРНИНГ ИХТИРОЛАРИ

Яқинда пахта терими айни қизғин паллада Янгийўлда бир фермер хўжалиги даласида теримчилар ғаройиб янгиликни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолишди. Бир чеккада икки киши этак боғламай пахта теряпти. Улар бир йўла уч қатор эгатдан тераётган пахталарини ўртада оҳиста судралаётган тўрт ғилдиракли аравачанинг сим-тўр халтасига ташлардилар. Одамлар ҳайрон:

— Ёпирай, пахта теришнинг янги усулими? Бунақасини кўрмагандик. Наҳотки, пахта териш учун шу пайтгача асқотиб келган этакларда воз кечиб, қаддимизни ростлайдиган пайтлар келган бўлса...



— Бунинг ажабланадиган ери йўқ, — дейди Қудрат Назаров. — Ўзим Янгийўлда фермер хўжалигини бошқарсам ҳам яшаш жойим пойтахтда. Йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз, деб бежиз айтишмаган. Шу боис, бўш вақтимни беҳуда ўтказмаслик «касали»га дучор бўлганман шекилли, хаёлимга алланечук фикрлар келаверади. Бирин-кетин ниятимга етаяпман. Ҳозир хўжалик ишларини осонгина бажаришга ва ёшларнинг бўш вақтларини марокли ўтказишга мос ихтиролар устириш воситаси, универсал йиғма яшчик кабиларни ҳам кашф қилиб, уларни патентлаштириб олдим. Шу кунларда «Иқбол» ўйини ҳақида ўйлаб юрибман...

Гапнинг сирасини айтганда, ҳунарманд бу йигит қишлоқда туғилган. 1966 йили Москвадаги қурилиш техникумини битирди. Сўнгра иқтисодиёт олий курсида илм олди. Қурилишда, турли идораларда ишлади. Охири қишлоқ хўжалигида қўним топди. Қаерда, қандай иш билан шуғулланмасин, ҳамиша ижодий изланди.

Хорижда нашр этилган бир китобда унинг исми ҳам қайд қилинган. Бу нашр «Саноат мулки бўйича V Москва халқаро салони: «Архимед — 2002» каталоги деб аталади. Китобнинг 185-бетида «Ўйинлар — спорт — маданият — бўш вақт» рукни остида «Назаров Қудрат Одилович: Билбол...» деган сўзлардан кейин қисқача тафсилот баён этилган. Жумладан, «Тавсия этилаётган спортнинг янги тури сиз ва ҳамма учун. Ўйинчиларнинг ёши чегараланмайди. Барча бувалар, бувилар, неваралар, ҳатто ногиронларга мўлжалланган. Бу ўйин учун унча катта бўлмаган — узунлиги 5, кенглиги 2,5 метрли майдонча керак. Бундай майдончани осонгина созлаш ва йиғиштириш мумкин. 11 та тўп бўлса кифоя. Болалар боғчалари, мактаблар ва уйолди майдонлари, дала ҳовлилар, касалхоналар, истироҳат боғлари каби ерларда ўйинларни уюштириш мумкин».



Тўғрисини айтганда, ҳозир билбол мамлакатимизда оммавийлашиб бормоқда. Қудрат Назаров эса янги ўйинлар, янги ихтиролар билан банд. Унинг «Хуржун» (иккинчи сурат) деб аталган пахта териш этаги эса кўпчиликка маъқул келмоқда. Фақат бундай «хуржун»ларни саноат йўли билан кўпроқ ишлаб чиқариш орзу бўлиб турибди, холос.

Қудратнинг яна бир ихтироси — «Суман» махсус суғориш мосламаси деҳқончиликда асқотиши мумкин. Чунки далаларга сув тараётган мироблар обиҳаётни тежаб-тергаш, ёхуд қўллатиб ёки чўллатиб суғоришда турли воситалардан фойдаланадилар. Лекин ариқ бошига босилган чим ўтлар ҳам ёки плёнкаю шланклар ҳам кўпинча панд беради. «Суман» эса миробларга бу борада жуда ёқиб тушиши мумкин.

Тегишли идора ва ташкилотлар оддий бир йигитнинг ихтироларига қизиқиб қолишар, деган умиддамиз. Ҳамма буюк кашфиётларни ҳам буюклар яратмаган-ку.

■ **Мирзо АНВАР**

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 93-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 тур	79	24	2	рақами	*7 тур*	Сони: 9	*17 тур*	Сумма: 1000
5	36	32	68	10016086.1	62	Сумма: 2000	19	*22 тур*
28	8	89	16	60015792.2	Сони: 3	*12 тур*	Сони: 68	70
85	63	76	90	*5 тур*	Телевизор	72	Сумма: 1400	Сони: 516
11	48	3	45	41	Чипталар	Сони: 9	*18 тур*	Сумма: 900
29	20	47	40	30	рақами	Сумма: 1900	61	*23 тур*
84	10	64	81	Сони: 3	10025879.1	*13 тур*	Сони: 105	69
18	44	65	13	Телевизор	60033274.3	9	Сумма: 1300	Сони: 882
37	50	74	55	Чипталар	90018341.3	Сони: 16	*19 тур*	Сумма: 900
52	25	Сони: 3	75	рақами	*8 тур*	Сумма: 1800	73	Қўшимча тур
6	57	Сумма:	77	20009814.3	21	*14 тур*	Сони: 169	Сони: 29
Сони: 2	80	2333333	33	20029253.3	Сони: 5	17	Сумма: 1200	Сумма: 900
Телевизор	12	Чипталар	34	50014071.3	Сумма: 5000	Сони: 18	*20 тур*	Халтадан чиқмаган шарлар:
Чипталар	42	рақами	59	*6 тур*	*9 тур*	Сумма: 1700	7	4,
рақами	Сони: 1	30011598.3	49	46	27	*15 тур*	Сони: 246	14,
30010326.1	Телевизор	50003842.2	51	Сони: 3	Сони: 4	38	Сумма: 1100	15,
40018973.2	Чипта	80022864.3	26	Телевизор	Сумма: 4000	Сони: 25	*21 тур*	53,
2 тур	рақами	*4 тур*	43	Чипталар	*10 тур*	Сумма: 1600	83	60,
82	40002469.1	54	58	рақами	39	*16 тур*	Сони: 389	88
31	*3 тур*	22	Сони: 2	20029593.3	Сони: 4	71		
1	66	78	Сумма:	40011569.3	Сумма: 3000	Сони: 33		
67	35	4000000	Чипталар	70032875.1	*11 тур*	Сумма: 1500		
86	56	23			87			

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 14 ноябрдаги 95-тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

СПОРТ

ЁШЛАРИМИЗ ОСИЁДА ТЎРТИНЧИ

Қатарда футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Х Осиё чемпионати якунланди.

Ярим финалда ёшларимиз японияликлар билан куч синашдилар. Учрашувнинг асосий ва қўшимча вақтларида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Натижада омадли жамоа пенальтилар ёрдамида аниқланди. Ҳал қилувчи паллада ёш футболчиларимизга аниқлик етишмади — 2:4. Финал ўйинига иккинчи йўлланмани қўлга киритиш учун Жанубий Корея ва Саудия Арабистони футболчилари ўзаро кураш олиб борди. Бу учрашувда кореялик ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этишди — 2:1.

31 октябрь куни қитъа биринчилиги ғолиб ва совриндорлари аниқланди. Финалда Япония ёшлари Жанубий Корея вакилларига 0:1 ҳисобида ютқизиб қўйди. Учинчи ўрин учун Саудия Арабистони футболчиларига қарши майдонга чиққан Ўзбекистон ёшлар терма жамоасидан яна омад юз ўгирди. Бу ўйинга қадар барча учрашувларни юксак савияда ўтказган ва мутахассисларда яхши таассурот қолдирган ҳамюртларимиз кутилмаганда йирик ҳисобда имкониятни бой бердилар — 0:4.

Осиё чемпионатида ёшларимиз совринли ўринни эгаллай олишмади. Аммо, вакилларимиз қитъамизнинг тўртинчи кучли жамоаси сифатида мамлакатимиз терма жамоалари орасида биринчи бўлиб жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Энди улар ёшлар ўртасида келаси йилнинг 26 март — 15 апрель кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ўтадиган жаҳон чемпионатида илк маротаба Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

ШОҲМОТ ОЛИМПИАДАСИДА

Словенияда ўтаётган XXXV жаҳон шоҳмот олимпиадасининг эркаклар баҳсларида гроссмейстерлар Рустам Қосимжонов, Сайдали Йўлдошев, Шуҳрат Сафин, Тоҳир Воҳидов, Марат Жумаевлар юртимиз шарафини ҳимоя қиляпти. Мусобақалар швейцарча тизимда ўн уч турдан иборат. Шоҳмотчиларимиз ҳозиргача ўтказилган беш учрашувдан сўнг, 20 имкониятдан 12 очко жамғаришган. Умумжамоа ҳисобида ҳозирча россиялик гроссмейстерлар биринчи ўринни эгаллаб турибди. Улар жамғармасида 18,5 очко бор. Руминия (17 очко) иккинчи ўринда бормоқда. Бир хил —16,5 тадан очко жамғарган Чехия, Арманистон, Словения вакиллари учинчи поғонадан жой олишган.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

Солиқ ва божхона органлари Академияси жамоаси Академиянинг илмий бўлим бошлиғи, педагогика фанлари доктори Мамарежаб Тожиевга отаси

Тожи МЎМИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ilhom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 971

11205 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi – 23.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA